



ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ: ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
Самарқанд вилояти филиали бош инспектори*

Умарова Раъно Суннатхоновна

Электрон почта: ranoumarova5059@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақола давлат фуқаролик хизмати: хитой халқ республикаси ва ўзбекистон амалиёти қиёсий таҳлили ҳақида бўлиб, унда Ўзбекистон-Хитой давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Давлат хизматини ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик, Давлат хизматида Хитой тажрибаси ҳақида батафсил ёттирилган.

Калит сўзлар: Хитой, давлат фуқаролик хизмати, халқ хизматчиси, академик билимлар, стажировка.

Ҳеч кимга сир эмаски, Хитой қадимий маданияти, кўп асрлик тарихи, бой анъаналари, ўлмас фалсафаси ва ўзига хос турмуш тарзига эга мамлакат. Хитой цивилизацияси бир неча минг йиллик тарихга эга: бу ерда қоғоз ва порох, машхур жанг санъатлари ихтиро қилинган, нафис шеърят намуналари яратилган. Миллион йиллар олдин хитойликларнинг аجدодлари моддий ва маданий бойликлар яратган. Хитой Халқ Республикаси (ХХР) бир партиявий давлат бўлиб, Хитой Коммунистик партияси (ХКП) томонидан бошқарилади.

Охириги 40 йилдаги ислохотлар ва очиклик сиёсати туфайли Хитой катта ўзгаришларни бошидан кечиргани, одамларнинг турмуш даражаси нисбатан яхшиланганлиги эътирофга сазовор.

Ўзбекистон-Хитой давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ходимларидан иборат делегация ХХРга расмий ташриф буюриб, ташриф давомида асосан Хитой давлат хизмати тизими, инсон ресурсларини рақамлаштириш, очик танловлар орқали ишга қабул қилиш тартиби, компетенциялар модели ва бошқа йўналишларда ижобий тажрибасини ўрганиш мақсад қилинди.

Ташриф давомида ўтказилган ўқув-семинарлар, давлат идораларига амалий ташрифлар жараёнида Хитойнинг давлат хизмати соҳасида эришилган ютуқлари мамлакатимизда кадрлар соҳасида амалга оширилиб



келинаётган ўзгаришлар билан қиёсий таҳлил қилинди.

Хитой давлат фуқаролик хизмати узоқ йиллик ўзига хос шаклланиш ва ривожланиш тарихига эга. ХХР ташкил топгандан кейин дастлабки йилларда давлат бошқаруви тизимида кадрлар сиёсатига жиддий эътибор қаратилган. Ўша даврда “давлат хизматчиси” деган расмий унвон бўлмаган, ХКПнинг асосий мақсади “халққа хизмат қилиш” бўлиб, ушбу мақсад кадрларнинг давлат хизматидаги ролини белгилаб берган. Ўзбекистонда ҳам бугунги кунда давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан “халқ хизматчиси” атамаси қўлланилиши хитойлик экспертлар томонидан ижобий эътироф этилди.

Ташриф давомида Хитой давлат хизматининг меъёрий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинди. Дастлаб 1993 йилда ХХР Давлат кенгаши замонавий давлат хизмати тизимининг яратилиши сифатида “Давлат хизмати тўғрисида”ги вақтинчалик низомни эълон қилган.

2005 йилда Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши томонидан “Давлат хизмати тўғрисида”ги ХХР қонуни қабул қилинган. Шундай қилиб, Хитойда ўзига хос хусусиятларга эга бўлган давлат хизмати тизими тартибга солинган. 2018 йил 29 декабрда ушбу қонун замонавий тенденциялар таъсирида янги таҳрирда қабул қилинган. Ушбу қонун асосида давлат фуқаролик хизмати тизимига алоқадор кўплаб қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари Хитойда давлат хизматини тартибга солувчи ички партиявий ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда ҳам 2022 йилда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунни амалга ошириш механизми сифатида мамлакатимизда давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари, самарадорликни баҳолаш кўрсаткичлари, очик танловларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, энг аҳамиятлиси, давлат фуқаролик хизматини рақамлаштириш борасида бир қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинди ва босқичма-босқич амалиётга жорий этиб келинмоқда. Ташриф давомида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вакиллари томонидан бугунги кунда инсон ресурсларини рақамлаштириш, вакант лавозимларга ўтказилаётган очик танловларда инсон омилини камайтириш юзасидан амалга оширилаётган янгиликлар бўйича қилинган тақдироти хитойлик мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди.

Хитой ва Ўзбекистоннинг “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунлари қиёсланганда, бир қатор ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжудлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, давлат хизматчиларига қўйилаётган талаб ва мажбуриятлар, шунингдек, давлат хизматчисининг ҳуқуқ ва бурчлари,



вазифалари ўхшаш. Иккала давлатда ҳам давлат хизматчисидан биринчи навбатда 18 ёшга тўлган ўша давлатнинг фуқароси бўлиши, Конституция ва бошқа қонунларга риоя қилиши, яхши ахлоққа эга, ҳалол ва адолатли бўлиши, халққа хизмат қилиши каби қатор ўхшаш принципларни кўришимиз мумкин.

Қонунчиликдаги тафовутларга келсак, давлат фуқаролик хизматчиларининг таркибида фарқ мавжудлигини кўрамиз. Хусусан, Хитойда партия аъзолари, халқ вакиллари, ижроия ҳокимият органлари, тафтиш органлари, сиёсий маслаҳат кенгаши раҳбарияти ва ходимлари, суд ҳокимияти ва прокуратура органлари ҳамда сиёсий партиялар аъзолари давлат фуқаролик хизматчилари таркибига киради. Ўзбекистонда эса асосан ижро органлари ходимлари давлат фуқаролик хизматчилари ҳисобланади.

Хитой “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунига кўра фуқаролар давлат хизматчиси мақомига очик танловда иштирок этиш, бошқа лавозимдан ўтказиш, шартнома тузиш ҳамда тўғридан-тўғри ишга қабул қилиш усуллари билан эришиши мумкинлиги белгиланган. Мамлакатимизда ушбу амалиёт фарқли равишда тайинлов ва очик танловлар орқали амалга оширилмоқда, тўғридан-тўғри давлат фуқаролик хизматига ишга қабул қилиш қонуний жавобгарликка сабаб бўлади.

Хитой давлат хизматида диққатни тортадиган жиҳатлардан бири бу – давлат хизматига қабул жараёнида даъвогардан география, математик мантиқ, ҳуқуқ, фан ва техника, менежмент, сиёсий билимлар каби йўналишларни билиш талаб этилиши бўлди. Тест саволлари таркибида кейс саволларининг мавжудлиги Хитойда давлат хизматига кириш ва хизматни ўташ мураккаблигини кўрсатиб турувчи омил ҳисобланади. Бериладиган тест саволлари асосан номзодларнинг фикрини ифода эта олиши, мулоҳаза юритиши, маълумотларни таҳлил қилиш қобилиятларини аниқлашга қаратилган. Қолаверса, номзодлар саводхонлигини текшириш мақсадида ёзма имтиҳондан ҳам ўтказилади.

Сухбатда номзодларнинг интеллектуал, вазиятли ва академик билимлари махсус синовдан ўтказилади. Сухбатни адолатлилиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида комиссия таркибида тегишли вазирлик ва идоралар вакилларида ташқари олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда аҳоли вакиллари иштирок этади. Хусусан, бунда аҳоли вакиллари бошқа комиссия аъзолари сонига нисбатан кўп бўлади. Иш берувчи ташкилот раҳбарининг суҳбат босқичида иштирок этмаслиги номзоднинг бирёклама баҳоланишини олдини олади, ишга қабул қилишда манфаатлар тўқнашуви содир бўлишига йўл қўймайди. Ўзбекистонда ҳам очик танловларнинг суҳбат босқичида экспертлар



иштирокини таъминлаш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ташриф давомида Ўзбекистон амалиётида Республика бўйича барча давлат органлари ва идораларида кадрларга оид масалалар ягона электрон платформа (hrm.argos.uz)га бирлаштирилгани, вакант лавозимлар ҳақидаги маълумотлар умумий базада шаклланиши хитойлик мутахассисларнинг эътиборини тортди, сабаби Хитойда кадрларга оид ягона электрон тизим яратилмаганлиги, ҳар бир провинциянинг кадрлар фаолиятига оид алоҳида электрон базалари мавжудлиги таъкидланди. Қолаверса, мамлакатимизда раҳбарлик лавозимлари учун миллий кадрлар захираси шакллантирилиб, маълумотлари алоҳида электрон базада юритилиши, давлат хизматчиларининг самарадорлик кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, электрон платформада ҳисобланиши, умуман Ўзбекистонда кадрлар соҳасини рақамлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларга хитойлик мутахассислар томонидан қизиқиш билдирилиб, амалиёт юксак баҳоланди.

Хитойда давлат бошқарувида асосий куч бу-инсон ресурслари эканлиги инобатга олиниб, уларни касбий ва шахсий компетенцияларини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, давлат хизматчилари учун бир неча турдаги малака ошириш курслари мавжуд бўлиб, давлат хизматчиларини узлуксиз ўқитиш тизими ишлаб чиқилган. Давлат хизматида биринчи марта ишга кирган ходимлар учун уларнинг соҳавий ва лавозим мажбуриятлари бўйича дастлабки билимларини шакллантириш мақсадида бошланғич таълим курси ташкил этилади. Ўзбекистонда ҳам бугунги кунда давлат хизматида илк марта ишга кирганлар учун малака ошириш курслари ташкил этиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Хитойда лавозим бўйича профессионал таълим, бошқарув ҳамда соҳавий таълим йўналишлари ҳам мавжуд. Хитойда ваколатли органлар томонидан ҳар бир ўқув курслари натижадорликни текшириш мақсадида махсус аттестация ва синовлар билан якунланади. Ўзбекистон тажрибасида ҳам юқори бўғин раҳбар кадрларни лавозимга тайинлашдан олдин бошқарув бўйича малакасини ошириш амалиёти йўлга қўйилган.

Шунингдек, Хитой қонунчилигига кўра давлат хизматчиларининг давлат органлари ва идораларида стажировка ўташ тизими мавжуд бўлиб, ушбу амалиёт малака оширишнинг бир тури сифатида қабул қилинади. Бунда давлат хизматчиси бошқа провинция ёки уездда ўзи эгаллаб турган лавозимдан юқори ёки қуйи лавозимда ишлаб, тажриба орттириши белгиланган. Ушбу ёндашувни ижобий баҳолаш мумкин, сабаби стажировкалар тизими давлат фуқаролик хизматчисининг ҳудудларни таққослаш орқали бошқарув қарорларини қабул қилиш кўникмасини



оширади, ўзига юклатилган вазифани амалга ошира олиш қобилияти баҳоланади.

Давлат хизматчиларининг малакасини ошириш таълим муассасалари "Бир мактаб ва тўрт институт" тамойили асосида фаолият юритади. Булар: Марказий партия мактаби (Давлат хизмати институти), Хитой кадрларни раҳбарлик лавозимига тайёрлаш бўйича Пудун академияси, Жинганшань кадрлар институти, Яньань кадрлар институти ва Дальян менежмент институти.

Вазирлик ва идоралар Марказий қўмита рухсати билан ходимларини ўқитиш мақсадида ўзларининг малака ошириш марказларини ташкил этган. Бундан ташқари, Хитойда провинция, шаҳар ва уезд кесимида 3 мингдан зиёд партия мактаблари фаолият юритиб, ўз ҳудудидаги давлат хизматчиларининг малакасини оширади. Хитойда давлат хизматчилари малакасини оширишда хусусий таълим муассасалари иштирок этмайди.

Ўзбекистонда ҳам бугунги кунда давлат хизматчиларининг стажировка ўташи, малакасини ошириши йўналишида бир қатор ижобий янгиликлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташаббуси билан юқори, ўрта ва қуйи бўғин давлат хизматчиларини лавозим бўйича ва соҳавий йўналишларда ҳам анъанавий, ҳам масофавий тарзда, қолаверса, хорижий давлатларда ҳам малакасини ошириб бориш амалиёти йўлга қўйилган.

Хитой тажрибасида эътиборли жиҳатлардан бири давлат хизматчисининг малака ошириши ва касбий ютуқлари каръерада ўсиши ва раҳбарлик лавозимларига тайинланиши учун асос бўлиб хизмат қилиши бўлди. Ишга қабул қилишда номзоднинг сўнгги бир йил ичида неча соат малака оширганлиги талаб этилиши ва ушбу кўрсаткичнинг ишга киришда устуворлик бериши ҳам иш берувчиларнинг, ҳам давлат хизматчиларининг касбий компетенцияларини узлуксиз ривожлантириб боришга эътибор ортишига туртки беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ташриф якунида Хитой ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида кадрлар соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини давом эттириш, иккала мамлакатнинг давлат хизматида амалга оширилаётган ижобий янгиликлар ва самарали амалиётларни миллий давлат фуқаролик хизмати соҳасига татбиқ этиш юзасидан "йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2017.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, 01.04.1996 й.



3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 24.09.2020 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни, 08.08.2022 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПКҚ–4472 сонли қарори.
7. <https://lex.uz/>
9. <https://dc.bimm.uz/>
10. <https://youtu.be/cncpxb79sXM>
11. <https://ilm.argos.uz/courses/46>